



# ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1993 йил, 10 сентябрь № 37 (76) ● Сотувда эркин нархда

## КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигида бўлиб ўтган йнгилишда шу куннинг долзарб масалалари муҳомама этилди. Алоқа вазирининг ўринбосари Р. Ғ. Валиев алоқа корхоналари раҳбарларига марказлаштирилган жамғармадан маблағ олиш тартибини тушунтириб берди.

Бундан кейин вазир буйруғига кўра, марказлаштирилган жамғармадан маблағ билан таъминланувчи ташиқлот, корхона ҳар ойнинг 10-кунига қадар жорий ой учун ҳисоб-китобли талабнома тақдим этиши ҳамда ўтган даврда ажратилган пул қайси мақсадларга сарфланганлигини кўрсатиши лозим. Капитал қурилиш, илмий тадқиқотлар ва бошқа мақсадлар учун янги маблағлар ажратиш вазир томонидан унга раҳбарлар кенгаши берган ваколатлар асосида амалга оширилади.

Шунингдек, вазир ўринбосари Ўзбекистонда алоқа учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техник воситалар ишлаб чиқаришнинг бугунги аҳволи ва бу борадаги вазифалар хусусида ҳам сўзлаб берди. Жумладав, айни кунларда алоқа корхоналари учун таъқиқ ҳисобланган полиэтиленди кабель муфталари ишлаб чиқариш «Промсвязь» заводида йўлга қўйилди. Корхона раҳбарлари мазкур муаммони ҳал этишга қизиқиш билан қарашган ҳолда, уни ўз маблағлари ҳисобидан пул билан таъминлашга ҳам розиллик берди.

«Ўзбекистон почтаси» концерни раиси М.К. Носирова Тошкент шаҳридаги Халқаро почтаамтда таъмирлаш ва қурилиш ишларини муваффақиятли ҳамда сифатли олиб боришга учун «Ўзбекилоқанвест» концернига миннатдорчилик билдирди.



Нуроний отахонлар

Суратнам А. ТўРАЕВ

### ● Янгиликлардан хабарингиз борми?

## ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигини тантанали равишда кутган Тошкентда Халқаро почтаамт ишга туширилди.

Ер юзи мамлакатлари билан почта алоқасини йўлга қўйишга имкон берадиган мазкур почтаамтнинг ташкил этиш хусусида 1993 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги қарор қабул қилган эди. Шу мақсад учун ажратилган Тошкент темир йўли қўшмағачи почтаамт биноси қайта таъмирланиши ва унда қўшмағача қурилиш ишлари олиб борилиши кўзда тутилди. Қисқаси, эски бино ўзининг замонавий, халқаро талабларга ўзла жавоб берадиган алоқа корхонасининг қад ростлаши мақсад қилиб қўйилди.

Мана инҳоят, умумий қиймати 33,0 миллион сўм турадиган Халқаро почтаамт ишга туширилди. Унда мижозлар ва хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Бино бекирим безатилган бўлиб, юмшоқ меҳел билан таъминланган. Иш жойлари ҳар томонлама жиҳозланган. Барча турдаги Халқаро алоқа хизмати шу бионинг ўзиде бажарилади. Бир гап билан айтганда, Халқаро почтаамт топкентликлар ва хорижий меҳмонлар учун ҳақиқий совгадир.

## БУГУНГИ СОНДА:

- ХАЛҚАРО ПОЧТАМТГА МАРҲАМАТИ
- МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ЖАМҒАРМАДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИ?
- ТЕЛЕФОН ТАНЛАШ ҲАМ МУАММО
- ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ
- РУХСАТ СУРАШ ВА САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

- ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ТАЙЕРМИСИЗ?
- ИҚТИСОДИЙ ҚИЯИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИТИШ
- ДОНОЛАР ДЕИДИКИ...
- «ТИНЧЛИГИНИГ — ЭНГ КАТТА БОҒЛИК»
- БУЙДОР ЭРҚАКЛАР ЎЗИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАДИ

### ● РАСМИЙ ЖАВОБ

## ЧОРА ҚЎРИЛДИ

«Хабар» рўзномасининг 1993 йил 20 август сониде «КўНГИЛ ШИШАСИ СИНАСИН» сарлавҳаси билан босиб чиқарилган тақиқдий мақола 20 ва 21-алона бўлимлари жамоаларида ҳамда Шайхонтоҳур алоқа тармоғига қарашли барча алоқа бўлимлари бошлиқлари иштирокида муҳомама қилинди. Мақолада келтирилган айрим далиллар тўғри деб топилди.

Ишда йўл қўйган камчиликлари учун 20-алоқа бўлими бошлиғи Т. Сайдуллаева меҳнат таътилини тугатиб, ўз вазифасини бажаришга киришгандан сўнг чора қўриладиган бўлди.

21-алоқа бўлимининг бошлиғи О. Болдуева, почта узатувчиси Э. Низомитдинова ва почтачи В. Н. Козлякларнинг август ойида берилган пул муқофоти 50 фоизга қисқартрилиб, моддий жавобландилар.

Бундан ташқари, барча алоқа бўлимлари бошлиқларига мақолада кўрсатилган камчиликларга йўл қўймаслик ҳақида кўрсатмалар берилди.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур алоқа тармоғи бошлиғи.

● Утган ҳафтада ўн иккинчи ҳақиқий Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Олий Кенгаш Раёсатининг қарорлари тасдиқланди.

● Тошкентда янги маданий-маънавий маскан — «Туркистон» театри очилди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов саниат ишонақсининг очилишида нутқ сўзлаб, халқимизни маданий-маънавий марказининг ишга тушиши билан қутлади.

## ОЛАМДА НИМА ГАП ?

\* ЯНГИЛИКЛАР \* ХАБАРЛАР \* ВОҚЕАЛАР \*

● Мамлакатимиз пойтахтида халқаро банлар конференцияси бўлиб ўтди. Жаҳондаги 60 та яқин йирик банк ва халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этган маъ-

хур анжуманда Ўзбекистон Президенти И. Каримов нутқ сўзлади.

● Ўзбекистон давлат теле-радиокомпанияси, «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталари ва «Экспан» жамғармаси ҳамкорликда «Мустақиллик,

экология, ва халқ саломатлиги» республика кўрик-танловини ўтказмоқда. Кўрик-танловининг асосий мақсади жумҳуриятимиз аҳолисининг саломатлигини муҳофаза этиш сифатини яхшилаш, ўлкамиз табиатини соф ҳолатда келтириш учун экологик вазиятни соғломлантириш, халқимизнинг орасталик аъёнларини қайта тиклашдан иборетдир.

● Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг 7 сентябрда мўлкаланган илвабдаги учрашуви 24 сентябрда кўчиря-

# МУНОСИБ СОВҒА



— Муस्ताқиллики кўлга киритганимизга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа мuddат ичида халқимиз оз бўлсада ўзгариш билди, тарихини англади, вақт деб аталган нодир неъмат қадрига ета бошлади.

Узоқни яқин қилиб, кўнглимизни ўзаро боғловчи телефоннинг ҳаётимиздаги ўрни борган сайин кенгайиб бормоқда. Бир сонияда олисдаги дустингиз билан суҳбатлашишга имкон яратувчи асримизнинг бу қўлмайдиغانлар бормикини!

— Йўқ. Айни пайтда бир дона телефон ўрнатиб баҳоси фелон сўмдан ошқ бўлишига қарамай телефон ўрнатишни хоҳламайдиганлар камдан-кам топилди,— дейди Хатирчи тумани давлат электр алоқа ишлаб чиқаруш корхонаси бошлиги Аъзамжон Избосеров.— Чунки халқимиз телефоннинг қулай ва соз сўзлашув воситаси эканлигини тушуниб бормоқда.

Хатирчида илк бора 1974 йилда 600 рақамли координатли АТС қурилган. Йиллар ўтган, бу рақамлар кўпайтирилди. Айни пайтда ўш тўрт жамоа ҳўжалигига, марказий шифоҳона ва шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатилади. 600 абонентли шаҳар ва 1500 рақамли қишлоқ телефон станцияси ишлаб турибди.

Барча жойда бўлгани каби, корхона ҳам муаммолардан хали эмас. Янги станциянинг йўқлиги, борларнинг ҳам яроқсиз қолга келиб қолгани аҳоли талабини қондиришга монеълик қилаётди. Қанча харажатлар эвазига қурилган алоқа биноси зарур жиҳозлар йўқлиги босишга туширилмаган. Ҳолбуки, маҳаллий ҳокимият ажратган 58 миңг сўм

пулга янги АТС сотиб оладиган жўмарднинг ўзи йўқ. Бу борада Алоқа вазирлиги ва «Ўзбектелеком» концерни раҳбарларининг қатъий сазийн-ҳаражатлари лозим.

— Қишлоқларда одамлар телефонга муҳтож,— дейди А. Избосеров.— Аҳолидан кўп-кўп талабномалар тушган, аммо кабели йўқлиги сабабли телефон ўрнатиш имкониятига эга эмасиз. Агарда 2000 рақамли АТС қурилса, аҳоли талаби тўлиқ қондирилди. Бу истакни раҳбарлар инобатга оладилар деб умид қиламиз.

Яқин кўннларга қадар марказдан келадиган буйруқ ва қўрсатмалар асосида меҳнат қилинган. Энди корхона жамоаси шарафига қараб фаолият кўрсатаётди. Уларга ҳеч ким буйруқ бермайди. Ҳар бир ишчи виждонан ўз-ўзига ҳисоб бериб ишлайди.

Корхона қосида «Ташмирчи гуруҳ» тузилган. Бу ўзига хос янгилик. Чунки бошқа туман алоқа бўлимларида ташмирчи гуруҳлар йўқ. Бу бир томондан қурилш корхоналарига тобе бўлиб қолишдан овоз этса, иккинчидан, барча ишларни сифатли қилиб бажаришга имкон яратади.

— Ташмирчи гуруҳлар барча алоқа корхоналарида ташкил этилса мақсада муваффақ бўларди,— дейди муваббатдошим.— Бу кўпгина ортинча ташвишдан овоз этади, иш сифатини яхшилашга ёрдам беради. Шу ўринда яна бир тақлифни ўртага ташламоқчиман. «Хабар» саҳифаларида «Янги иxtиролар» рукин очилса, унда ишга ва техникага оид иxtиролар бериб борилса яхши бўларди. Бу рукин алоқачилар учун тажриба ва фикр алмашиш манбан бўлиб қолса ажаб эмас.

«Тўйга тўёна билан» дейишганидек, корхоналарда муस्ताқиллик байрами олдидан шанлилик уюштирилди. Барча билонлар рангланди, суғуриб-сидирилди. «Хатирчи—Зарафшон» тармоқлари қайта ташмириланди. «Оқ олтин», «Охун-бобоев» жамоа ҳўжаликларидаги АТСлар кенгайтириб, ишга туширилди. Хуллас, Хатирчи тумани давлат электр алоқа ишлаб чиқаруш корхонаси жамоаси истиклол байрамини муносиб кутиб олди.

Ю. РАСУЛ  
Навоий вилояти

# АЛОҚА ХИЗМАТИ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Алоқа хизмати деганда кўз олдидимизда почта, телефон, телеграф хизматлари, радио ҳамда телекўрсатувлар намоён бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтмиш даврида нарх-навоининг кун сайин ўзгариб туриши соҳа ишларига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Лекин алоқачилар бундан эсанкираб қолишмади. Андижон шаҳар Почта ва телеграф бўлими Юлдузхон ЭГАМ-БЕРДИЕВА билан суҳбатлашар каним, бунга янада амин бўлдим.

— Андижон шаҳар Почта ва телеграф бўлимида 26 та алоқа бўлими бор, уларда 220 дан зиёд ходимлар меҳнат қилишади,— дейди Ю. Эгам-Бердиева.— Алоқачиларимиз 300 миңдан ортиқ бўлган шаҳар аҳолисига кундалик рўзномалар ва жаридлар, жўнатмалар ва хат-хабарларни ўз вақтида етказиб бermoқдалар. Шунингдек, 27850 дан зиёд нафақа олувчиларга ҳам хизмат қиламиз. Насбига меҳр қўйиб ишлайтган «Алоқа хизмати устаси» Александра Бочкарева, меҳнат фахрийларидан Муҳаммаджон Каримов, Миркарим Содиқов, Эргашбой Абдураҳимов, Нина Умарова, Ҳотамбек Сулаймонов, Ҳаётхон Холматова, Хосиятхон Ҳамидова ва бошқа ходимлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳар бир ходим меҳнат таътилига чиқиш арафасида 1000 сўм миқдорига ёрдам

пули олмақда. Оилавий шарафни оғир ишчиларга Наврўз байрами арафасида 500 сўмдан қўшимча ёрдам пули берилди.

Нарх-навоиларнинг кескин кўтарилиб кетиши, божхона хизматлари, йигитларимизнинг ўз республикамизга ҳудудда йигитлик бурчини ўташи бир томондан жўнатмаларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўляпти. Бундан ташқари, транспорт, электр қуввати ҳақларининг кун сайин кўтарилиши бовсарф-харажатларимиз ортиб бораётди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай аҳил меҳнат жамоамиз барча кўрсаткичлар бўйича режа ва топшириқларни орттириб бажаришга эришмоқдалар. Масалан, 1992 йили фойда олиш режаси 231 фойзага, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 164,4 фойзага бажарилди. 1993 йилнинг биринчи чорағида эса фойда олиш ре-

жаси 123,5 фойза, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 143 фойзага бажарилди.

— Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қосида нафақачиларни тарқатувчи «Ташмирот» кичик корхонаси ташкил қилинган. Бу сизларга қандай таъсир қилди?

— Корхона ходимлари 20 ва 2-алоқа бўлимларига қарашли нафақахўрлар нафақасини тажриба тариқасида тарқатиб туришибди. Аммо бу «тажриба» ижтимоий таъминот бўлими ва алоқа хизматида бир қанча зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Олдинлари ҳар ойнинг иккинчи кунидан бошлаб нафақа пуллари тарқатиларди. Кичик корхона ходимлари эса ойнинг ўнинчи кунидан бошлаб нафақачиларни тарқатишаётди. Бундан одамлар норози бўлишмоқда. Ижтимоий-таъминот бўлимдагилар эса ҳали-бери тажрибадан воз кечадиган эмас.

— Миллий почта хизмати қандай бўлишини истайсиз?

— Ходимларнинг ўз почта кийимларига эга бўлиши, махсус транспорти, биноси, техник жиҳозлари унинг миллийлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шукр, бу борада амалий ишлар қилинаётди. Кўп ўтмай почтачилар ўз кийимларига эга бўлади.

Суҳбатдош Маъмуржон БОЛТАБОВЕВ

## СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШМОҚДА?

Бугунги кунда турмушимизни алоқа хизмати сиз тасаввур қилиш қийин. Ишлаб чиқаришнинг қайси бир соҳасини олиб қараманг, бевосита алоқа хизмати билан боғлиқдир. Кўнннга миң-миңглаб хат-хабарлар, шошилинчомалар, кундалик матбуот нашрлари аҳолига етказиб берилмоқда. Телефон сиз билан бизнинг яқин ёрдамчимизга айланган.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан алоқачилар ҳам бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда. Аммо шунга қарамай аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида имкониятлар ишга солина-

ётди. Афсуски, жумҳуриятимиздаги барча алоқа бўлимларида миҳозларнинг жами талаблари ўз вақтида ва тўла қондириляпти дейиш қийин. Мураккаб иқтисодий бўҳронда иш кўраётган алоқачилар ишда ҳам камчиликлар мавжуд. Бугунги вазифа ана шу камчиликларни бартараф этиб, бор имкониятини ишга солишдан иборат-чимизга айланган.

Этиборингизга ҳавола қилинаётган яқин савол жойларда аҳолига алоқа хизмати кўрсатишнинг бугунги аҳволини ойдinлаштиришга имкон беради. Сиз саволларга батафсил жавоб бериш би-

лан бирга алоқачилар ишини янада такомиллаштириш борасидаги тақлиф ва истакларни билдирасиз деган умиддамиз.

1. Жойларда кўрсатилаётган алоқа хизматида кўнглингиз тўлади-ми?

2. Миҳозлар талабини тўлароқ қондириш учун яна нималарга этиборни қаратмоқ лозим?

Жавобларни 32-36-42, 44-29-09 телефон рақамлари орқали ёки муҳарририятга — 700000, Тошкент шаҳри, Толстой кўчаси, 1-уй, «Хабар» газетасига ёзма равишда маълум қилишингиз мумкин. Жавобингизни кутамиз.

## ТЕЛЕФОН ТАНЛАШДА АДАШМАНГ



Телефон узогингизни яқин қилади, вақтин тежайди. Ҳозир ҳар бир дақиқа ҳисобли бўлган даврда телефон хизматининг ҳаётимиздаги ўрни беқийсдир. Айни пайтда телефонлар сонин дунёда бир миллиондан ортиб кетди. Кейинги йиллар давомида бу сўзлашув воситаси кўпайиб ишлаб чиқаришмоқда, янги замонавий электрон телефон станциялари ишга туширилмоқда. Шунга қарамай телефон алоқасига талаб камайгани йўқ. Кўпгина миҳозлар телефоннинг ёмон ишлашдан қолмишади. Айниқса чет эл телефон аппаратидан харид қилиб, уларни бир-ой ҳам ишлаш олмаганлар кўпайиб кетди. Шу боси хорижий давлатларда ишлаб чиқилган телефон аппаратлари ҳақида фикр юритиш мақсада мувоффиқдир.

Маълумки, телефон қурилмаси автомат телефон станциясининг асосий қисмларидан биридир. Телефон аппаратидан ҳар қандай носозлик станция қисмларини ортинча ишлашга, зўриктиради, мuddатдан олдин ишдан чиқаради. Биргина телефон дастагини кўтаришда бир неча тармоқлар ишга тушади ҳамда банд қилинади. Бундай ҳодисаларнинг кўпчилиги бошқа рақамдаги абонентларга таъсир этади, уларнинг боғлиқликлари қийинлашади.

Ҳориждан келтирилган, ташкил қўрилган телефон аппаратларининг кўпчилиги сабабдан яхши ишлайди ёки куйиб кетади! Асосий сабаблардан бири телефон станцияларининг ҳар хиллигидир. Биз ишлатётган телефон станциялари 60 В кучланишда ишласа, улардаги асосий станциялар 48 В кучланишда ишлайди. Шу кучла-

нишга мўлжалланган телефон аппаратлари бизнинг тармоқларга уланганда, улар ишлайди ёки улардаги асосий қисм ҳисобланган митти элемент куйиб кетади. Бу ҳолнинг олдин олинш учун аппаратнинг кириш қисмига кучланишнинг доимий сақлаб турувчи стабилитрон элементини ўрнатиш энг қулай усулдир. 48 В

кучланишга мўлжалланган аппаратлар бизнинг станцияларимиздаги таъминловчи қурилмалар учун ортинча қўл бўлиб, улар станцияни нормал ишлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳолни текшириш учун ишлаб турган телефон аппаратининг дастаги олқиниб, ундаги кучланиш ўлчаб кўрилади. Шунда биздаги аппаратларда

линияда 10-15 В, хорижда ишлаб чиқарилган аппаратларда эса 4-5 В кучланиш қолади. Умумий ҳолатда кучланишнинг 7-8 В дан тўшиб кетиши телефон ёмон ишлаш сабабларидан биридир.

Чет эл телефон станциялари аппаратда терилётган сонларнинг амплитудаси ҳамда частота ўзгаришларига мос равишда қабул қилади. Ҳозир бизда ишлатган телефон станциялари сонларини тўғридан-тўғри фақат амплитуда ўзгаришлари бўйича қабул қилади. Шу қосида асосан чет элдан ишлаб чиқарилган, частота ўзгаришлари бўйича ишлайдиган телефон аппаратлари бизнинг тармоқда ишламайди. Бундай қурилмаларнинг линияларга мослаш учун ички қисмларини алмаштириш, ўзгариш зарур бўлади. Агар ундаги митти схема бутунлай куйган бўлса, бундай аппаратнинг ҳамма ички қисмини қайта қуришдан ўзга чора қолмайди. Ута аниқ ишлайдиган, электрон станцияларга мўлжалланган телефон аппаратларининг кўп қисми бизнинг станцияларга мос келмайди.

Телефон аппаратларининг тартиб қилаётганингизда шуларни ҳисобга олсангиз, яна бир ортинча харажатдан қутулсансиз.

Нуралӣ НОРМАХМАТ ўғли,  
«Тошкент почтаси» муҳандиси

# ХОРИЖДАГИ ТАКСОФОНЛАР

Бизда таксофон тармоғи ачинарли аҳволда эканлиги сир эмас: Шаҳар телефон-автоматларининг кўп қисми ишламайди, телефон дастаклари юлиб олинган, алоқачилар ва ҳуқуқни сақлаш ходимлари эса алоқа хизматини вайрон қилаётган безориларга қарши деярли кураша олмаётдилар. Таъмирлаш ва таксофонларни тиклаш ишлари жуда кўп миқдорда маблағ сарф этилишига сабаб бўлмоқда. Эндиликда эса маблағ ва эҳтиёт қисмларнинг йўқлиги туфайли кўплаб сўзлашув нүкталар умуман ишламайди. Бу эса ёнғин, қонун бузарлик тўғрисида тегишли жойга шовинчи хабар етказишга ёни тез ёрдам чاقирришга монелик қилаётир. Бунинг оқибатида аҳоли қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўрмоқда.

Хорижда сўзлашув нүкталарининг юксак даражада ривожлангани ва самарали ишлаши ҳеч кимга сир эмас, аммо таксофонларни ҳимоя қилиш борасидаги барча сайъ-ҳаракатлар зое кетмоқда. Масалан, «Монд» рўзномаси Нью-Йорк шаҳар таксофонлари тангаларни ўнгирлаш учун келган безорилардан жиддий зарар кўраётгани ҳақида ёзди. Нью-Йорк телефон компанияси ҳар йили шаҳардаги 58 миң телефон-автоматни таъмирлаш учун 10 миллион доллар ажратади. Шаҳарда телефон тармоғини ҳимоялашнинг турли усуллари, жумладан зирҳли таксофон қўтиллари қўлланилаётган бўлса-да, бунинг самараси кўринмаётир.

Кейинги йилларда қатор хорижий давлатларда танга ўрнига махсус карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилувчи янги таксофонлар жорий этилди. Бугунги кунда АҚШда бундай таксофонларни кўплаб учратиш мумкин. Бруклин Олий суди биноси тажриба жойи сифатида танланиб, у ерда 21 та янги таксофон ўрнатилди. Дастлаб миқозлар эътиборини жалб этиш учун 1 доллар миқдоридagi карточкалар бепул тарқатилди. Эндиликда 5,25 доллар қийматта эга карточкалар 5 долларга сотилмоқда. Таксофон тармоғининг карточкали тўлов йўлига ўтиш мuddати 3-5 йилга мўлжалланган. Янги таксофонлардан фойдаланиш учун карточка таксофонга жойлаштирилади ва керакли абонент билан боғланган заҳоти карточканинг оҳанграбо белгиларига қараб тўлов имконияти ҳақидаги маълумот ҳисоби қайд этилади. Буни қурилма қўтисига жойлаштирилган махсус мослама инфирақизил нуллари орқали амалга оширади. Карточканинг сохта эмаслиги текширилгач, белгиланган тарифлар бўйича — 5 минут суҳбат учун 25 цент ва келгуси ҳар 3 минут учун қўшимча 5 центдан олиб қолинади.

Чет давлатларда орттирилган тажриба қалбаки карточкалар яратиш деярли мумкин эмаслигини юрсатади. Албатта, карточкаларни ишлаб чиқариш бир мунча қimmatта тушади. Аммо фирмалар камоматли турли йўллار билан, жумладан катта миқдорда буюртмалар

қабул қилиш, карточкаларга реклама жойлаштириш билан қўмламоқдалар. Карточкалар тайёрлаш бўйича Швеция фирмалари жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. «Ландис энд жеер» швед компанияси тангасиз таксофонлар ишлаб чиқаришни 1979 йилдан бошлаган. Айни пайтда жаҳоннинг 38 давлатига 75 миңга таксофон ва 275 миллион дونا карточка етказиб бермоқда. Бу қурилмаларга энг йирик буюртмачи ҳисобланган Британия телефон компаниялари 40 миңга яқин шундай нусхадаги таксофонларга харидор бўлишди.

АҚШда ҳам янги таксофонларга талаб ортиб бормоқда. Нью-Йоркнинг ўзига 58 миң дона янги таксофон ўрнатиш режалаштирилган. Бу таксофонлар шаҳарлараро ҳамда халқаро алоқа тармоқлари билан бемалол боғлана олади.

Жумҳуриятимизда бундай муаммоларни ҳал этиш борасида Алоқа вазирлиги қoшидаги «Ихтисослаштирилган лойиҳа-қонструкторлик бюроси» мутахассислари дастлабки ишларни амалга оширдилар. Чамбаракли рақам тергичлар ўрнига тугмачали панель ишлаб чиқарилди. Буларнинг бари яхши. Аммо безорилар зарар етказиб қолган телефон дастагини қандай сақлаб қолиш мумкин? Алоқачилар ҳамда тартибни сақлаш ходимлари таксофонларни асраб қолиш имкониятига эга эмас эканлар, дастагини таксофон қўтисига ичига ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмасми? Дастасиз, тангасиз темир қўтини бузиш кимга ҳам керак дейсиз?

К. АЛИЕВ

## Юсуф ҲОШИМОВИЧ МУҲАМЕДОВ



Ўзбекистон алоқачилари оғир жудолликка учради. Маҳаллий миллат вакиллари орасида етишиб чиққан биринчи олий маълумотли алоқачи, уруш ва меҳнат фахрийси Юсуф Ҳошимович Муҳамедов вафот этди.

Ю. Ҳ. Муҳамедов 1913 йил, 4 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган. 1932 йили Тошкент алоқа техникумини, 1937 йили Ленинград алоқа институтини иқтисодчи-муҳандис мутахассислиги бўйича битирган. У меҳнат фаолиятини 1937 йили Марказий телеграф станциясида иқтисодчи-муҳандисликда бошлаган. 1942-1946 йилларда Улуғ Ватан урушида қатнашди. Меҳнат фаолияти даврида 12 йил Ўзбекистон Алоқа вазирининг ўринбосари, 9 йил Иттифоқ лойиҳалаш институтига бошлиқ бўлди. 1975 йилдан то умрининг охиригача Тошкент алоқа коллежида ёшларга таълим берди.

Ю. Ҳ. Муҳамедов Тошкентда алоқа институтини ҳамда Хивдаги алоқа музейини ташкил этишда катта ҳисса қўшди. Самарали меҳнат фаолияти учун «Меҳнат Қизил Байроқ», «Хурмат белгиси», «Қизил юлдуз», «II даражали Ватан уруши» орденлари ва кўплаб медаллар, Олий Кенгашининг «Фахрий ёрлиқлари», «Алоқа устаси» унвонлари билан тақдирланган. Ю. Ҳ. Муҳамедов сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Фахрий алоқачилар кенгашига бошлиқ қилиди.

Юсуф Ҳошимович Республика алоқа ходимларининг хотирасида абадий сақланади.

Республика алоқачилари

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ва жумҳурият алоқа ходимлари Марказий Қўмитаси меҳнат фахрийси

Юсуф Ҳошимович МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғ ва барча яқинларига таъзия изҳор этиб, уларга сабр-тоқат тилайди.

Шу йилнинг ўтган июнь ойида Тошкентда Хитой, Германия, Польша, Туркия, Украина, Қозғистон ва Ўзбекистон давлатлари вакиллари иштирок этган навбатдаги

публикаси Алоқа вазирлиги томонидан Бошқарув комиссияси Алоқа вазирлиги муовини В. А. Кравченко, аъмалий ишчи гуруҳига халқаро ва шаҳарлараро алоқа бошқармаси

алоқа магистралли қуришга кетадиган моддий маблағни ўз ҳисобларидан тўлашлари лозимлиги олдиндан келишиб олинди. Ўзбекистонда буюртмачилар вазифасини белгилаш Ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасига юклатилди. Ҳ. Ҳ. АЛИЕВ Тошкент лойиҳа олийгоҳи бош лойиҳачи, «Ўзбеклоқинвест» концерни эса бош пудратчи ҳисобланади.

Буюртмачилар ва лойиҳалаштирилган корхоналар айна пайтда қийин ва маъсул ятган қуриш ишларини бошлаш таърифиди. Керакли мутахассис кадрлар ва бошқа зарур материаллар тайёрланмоқда. Замонавий кабелли алоқа магистралли қуриш ишлари ҳадемай бошланади.

## ШИША ТОЛА ОРҚАЛИ ЖАҲОНГА

халқаро келишувда мазкур алоқа йўли қайси ҳудудлар орқали ўтиши лозимлиги ўзаро келишиб олинди. Келишувда бир қанча ташкилий масалалар ҳам ҳал этилди. Жумладан, алоқа магистралли қуришда Бошқарув комиссияси, аъмалий ва молиявий ишчи гуруҳи таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси

маркази бошлиғи Р. Ҳ. Рамазанов, ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси (ҲИБ) бўлими бошлиғи Ю. В. Коновалов, молиявий ишчи гуруҳига ҲИБ бошлиғи Т. О. Урозбоев ва вазирлик бўлими бошлиғи М. М. Маҳмудовлар аъзо этиб сайланди. Томонлар ўз ҳудудларида

## ДИЛХИРАЛИКЛАР САБАБИ НИМАДА?

Езги таътилда ўғлимни қишлоққа — бувисиёнига ташлаб келдим. Дала ҳаво-сида янриқиб дам олганга нима етсини!

Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Қўнларнинг бирида телефон жинриқлаб қолди. Дастакни кўтардим. Русчалаб коммутатор аёла мени сўрашаётганини айтди. Музработ туманида яшовчи жинларимдан бири кўнги-роқ қилаётган экан. Овозидан эўрға танидим. Шовқинининг кучлигинидан нима де-моқчи эканлигини билди бўл-масди. Фақат «Сешанба кун-ни борамиз» деган жумлани ара-нғ эшитдим, холос. Аф-суски, телефонни узиб қў-йишгани бонс, қайта сўзла-шиш имкони бўлмади.

Сешанба кунни ўғлимни кутиб олгани вокзалга чиқ-дик. Аммо ундан дарак бўл-мади. Менинг ҳам, хотиним-нинг ҳам кўнглимиз хижил. Ўғлимиз соғ-омоимизми? Не-га келмади деган ўй тинч-

лик бермасди. Қўнгироқ қи-либ, шаронти билди десаи уларда телефон йўқ. Фақат туман марказидаги сўзла-шув тутуни орқали мулоқот қи-лиш мумкин. Чек-чегара-си эўйлар бизга азоб берар-ди. Шундай фурсатда уйни-да телефоннинг борлигидан ҳам пушаймон қиларкансан киши. Бир неча бараварга ошган тўловларни вақтида тўлаб борсангу, зарур пай-тда...

Маълум бўлишича, ўғлим кейинги сешанбада келмоқ-чи экан. Алоқа қурилмала-рининг носослиги бонс, му-д-даосини англаб етмабмиз.

Қачон сифатли алоқа хиз-мати йўлга қўйилади? Қач-он замонавий сўзлашув во-сита-ларидан баҳраманд бў-ла-миз? Ишонаманки, бу му-ам-молар тўғри ҳал қилинса, ю-қ-оридаги каби дилхиралик-лар со-дир бўлмайди.

Иззат АҲМЕДОВ,  
Сурхондарё вилояти



Илмга ташналик

А. ТУРАЕВ сурати



• Мерос

# «МУРУВВАТ ЧИН ИНСОНИЙЛИК ЙЎЛИДИР»

### «ҚУТАДГУ БИЛИК»ДАН ҚАЙДЛАР

Юсуф хос Хожининг «Қутадгу билик», яъни «Саодатга йўловчи билим» асари 1069 йилда ёзилган. Инсон табиати, ҳаёт қадри, олам моҳияти устида баҳс этувчи бу асар тасаввуф адабиётининг ялқ номунаси ҳамдир. Асар қаҳрамонлари асосан мажозий йўнида талқин этилади. Қутадгу — адолат, Ойтулди — давлат, Учдуллиш-ақл, заковат, Ҳагурумиш эса сабр-қаноат рамзларидир.

«Қутадгу билик»ни филология фанлари номзоди Боқижон Тухтаев ҳозирги ўзбек тилида баён қилган.

Инсон икки нарса — туфайли қариллик нималигини билмайди. Улардан бири хуш қилиқ, бошқаси — эзгу сўзидир. Туғилган одамдан қоладиган мерос — сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади, сўзи эса мангу қолади.

Дунёда барча эзгуликлар асоси билим-маърифатдир. Билим билан ҳатто кукка ҳам йўл тоша бўлади.

Телба, нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак: аслида уларнинг тирик чоғлари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди.

Одам қаҳрланса билимсиз бўлади, жаҳл келса ақл кетади.

Йигитликни, ёшликни азиз тут, у қўшдек тез учиб кетади.

Эзгулик қимматбаҳо гавҳар, асли йиқик ва тоза шохни мисоли — у доимо балан д қадрланади, доимий иззатда бўлади. Эмонлик эса қадрсиз нарсасдай гап, у доимо оёқ остида қолиб кетаверади.

Кўпчилик олднда мутлақо оғиз очмаслик икки гуруҳга хос: улардан бири табиятан гапириш қобилиятдан маҳрум бўлганлар, яъни соқов, гунаг кишилар. Бошқаси эса билимсиз кишилар ҳисобланади. Улар билими етишмаслиги туфайли суҳбатга аралаша олмайди. Билими кўп, ҳар нарсадан хабардор одамлар эса суҳбатнинг гулига айланади.

Сўзни донолардан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим.

Камгапик — донолик йўлининг бошланishi. Сергап одам вайсақи бўлиб

қолади, унинг билим ўрганишга қўли тегмайди.

Кўп сўзлаш — донолик белгиси эмас, у — эзмалик аломати.

Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг ҳулқида жиҳвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она эзининг ёруғлигини тазъинлайди.

Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини соғлаши, тўғрилиқ ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли раво, қилмини эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан узоқ турмоғи шарт. Эмонлик илонга ўхшайди: у қақши, ҳатто ҳалок қилиши мумкин.

Сабр қилиш ҳам жасурлар иши.

Бу дунё мисоли бир экинзор. Ҳар ким ўз экан уруғининг ҳосилини йиғиб олади.

Газаб кишини бузади, асабини эгвалдаи.

Ғофиллик — душманинг, ҳушёрлик дўстинг бўлсин.

Оламдаги энг улуғ фазилат эзгу қилиқ ва гўзал ҳулқидир. Инкинчиси — ростлик, учинчиси — ҳаё ҳисобланади. Мана шу уч фазилат бирлашса киши бахтиёр бўлади.

Кишига наф бермайдиганлар ҳам уч хил бўлади. Улардан дастлабкиси ўжар ва феъли ёмон кишилар, кейингиси ёлгон тўқийдиганлар ва ниҳоят охиригиси баҳил ва пасткаш кишилардир.

Очқўзлик тубаллик демакдир. Кимдан ким шундай экан, унинг қўт-қўболи кетади, оти қолмайди.

Одамзод онасида билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб тўғра чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир.

Дўсти кўп одам мустаҳкам қояга ўхшайди.

Кўнгли ва тили тўғри турсанг, сеинг риқзинг ҳеч қачон озаймайди.

Киши уйга, оддий эмас, қоронғу уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машғал каби унга нур сочади, шу уйни ёритади, яъни кишини равшанликка элтади. Оламдаги турли эзгуликлар уқув-идрок туфайли содир бўлади.

Уқувсиз киши доимо ўқинч билан яшайди. У рам-аламларга чулғанади. Ахир, уқув-идрокдан улуш олмаган киши тирик эмас, ўликдир.

Барча ярамас, бўлганч ишлар билим туфайли покланади.

Сеувчи кишининг юзига қаралса, севиш-севмаслигини билиш мумкин. Қўз билан қаралса, ҳамма ярасда парда-тўсиқ бўлиши мумкин, аммо кўнгли билан қаралса, уни ҳеч қандай парда тўса олмайди.

Бузуқ феъл—кишини ҳар доим босиб турадиган оғир юкка ўхшайди. У кишига азоб беради. Еҳуд бундай одам мисоли итдир. Бу ит оддий бўлмай, қутурган, қопоғон итдир. У ўзи истаган пайтда сенга ташланиши мумкин. Ев қилмайдиган ишни ҳам ёмон, ярамас ҳулқ-атвор қила олади. Шундай экан, турбан феъл-ибликнинг ёлдан нима фарқи бор?

Бошлиқнинг ҳулқ-атвори покиза бўлса, эл-юрт йўл-йўриқлари ҳам шундай бўлади.

Керилш, такабурлик кераксиз нарса. Такабурлик тўғри йўлдан оадирди. Қўнглини кичик тутташ, камтарлик йўлида юрган киши улугликка етади.

Кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламидан, яъни маънавий бойлигидан хабардор қилиши мумкин.

Тўловчи Ю. РАСУЛ (Давоми бор)



### ҚЎЛБОЛА АВТОРУЧКА

Америка Қўшма Штатларида «Сувсиёх» деб аталуви авто-ручкалар пайдо бўлдики, уларнинг ичига сув солинганга бас—ёзаверади.

Бунда ҳеч қандай сир йўқ: заводда авторучканинг ичига сувда яхши эрийдиган бўёқ модда солиб қўйилган бўлади.

### ЖОНЛИ БАРОМЕТР

Бирор сабаҳати Гватемала чаңгалзорларида йўлдан адашиб қолса, устига устак, на соати ва на барометри бўлмаса, қайғуришига ҳожат йўқ. Негаки, бу ерда йўловчидан ўзининг холис тизматини асмайдиган танги кўшлар топилмади. Чунинчи, тикаму йўл кўш ҳар ярим соатда бир қўнқириб қўлади. Чачалка деган қўнқи эса жонли барометр дейиш мумкин.

Ҳаво айниди деганча унинг ҳам товуши ўзгаради-қолади. Нафис, мушқий оҳангда сабағтан қўш бўлиб, хирлилаб, қулқини қолатга келтириб чиқирига бошлайди.

### МУҚАДДАС ҲАЙКАЛ ВА НОДИР КИТОБЛАР

Бир вақтлар энг қимматбаҳо китоблардан бир қанчаси Тибет моңастриндаги Будда ҳайкали ичига яшириб қўйилганди. Чунки улкан Будда ҳайкалининг пастки қисми китоб қўйиш учун жавон шалига мослаб ишланган ва яшиллаб ниқобланган ҳолатда бўлган.

Урта асрларнинг хавф-тарти пайтларида ҳамма нарса талон-тарож қилинди. Чунки муқаддас китоблар ишорли жойда сақланайтгани учун ҳам босқинчилар тазийқидан омон қолган. Чунки жамоа кириб ибодат қилмадиган моңастриндаги Будда танасида қимматбаҳо нарсаларни сақлаш маи қилинганлиги сабабли ҳам ҳайкал ичига китоблар борлигини босқинчилар ҳаёлларига ҳам келтиришмаган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган

## МУСТАҚИЛЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композитор-бастакорлар уюшмаси ва Республика Ижодкорлар жамғармаси танлов ҳайъати Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб ўтказилган Мустақиллик бағишланган энг яхши қўшиқлар танловининг натижаларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни голиб деб топди:

Битта 1-мукофот — Рустам Абдуллаев мусикаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри «Тўйлар муборак» қўшиғи учун.

Иккита 2-мукофот — Баҳрулла Лутфуллаев мусикаси, Абдусайд Кўчимов шеъри «Яйра Туркистоним» қўшиғи учун.

Ҳабибулла Раҳимов мусикаси, Тўра Мирзо шеъри «Анкара, Тошкент» қўшиғи учун.

Учта 3-мукофот — Аваз Мансуров мусикаси, Азим Сунон шеъри «Ватан гимни» қўшиғи учун.

Баҳрулла Лутфуллаев мусикаси, Саъдулла Ҳаким шеъри «Мустақиллик қасидаси» қўшиғи учун.

Иброҳим Ҳамроев мусикаси, Тўлқин шеъри «Озод Ватан» қўшиғи учун.

### Бешта рағбатлантирувчи мукофот:

1. Ислоҳ Оллоберганов мусикаси, Ҳамроқул Ризо шеъри «Ўзбекистон ортага қайтмайди» қўшиғи учун.

2. Бахтиёр Асанов мусикаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри «Эрк муборак» қўшиғи учун.

3. Шафоат Раҳматуллаев мусикаси ва шеъри «Истиклол бониг» қўшиғи учун.

4. Иброҳим Ҳамроев мусикаси, Тўлқин шеъри «Меҳнат» қўшиғи учун.

5. Ислоҳ Оллоберганов мусикаси, Абдул Ҳаким Шайри Жузжоний шеъри «Ўзбекистон қасидаси» қўшиғи учун.

Танловда голиб чиққан қўшиқлар Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясига ижро учун тавсия этилди.

## ЯССАВИЙ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Тарғибот Маркази ХАЛҚАРО МУКОФОТЛАР қўмитаси Яссавий йили муносабати билан қўшимча танлов эълон қилган эди. Халқаро ЯССАВИЙ мукофотига 1993 йил учун қуйидаги ижодкорлар сазовор бўлдилар.

- 1. Тўра МИРЗО — драматург, Толиб ҲОЖИ ҲАМИД ўғли, Баҳодир НАЗАРОВ — режиссёрлар, Садриддин САЛИМОВ — расом, Омон БЕГАНЧИЕВ, Ҳусан АМИРҚУЛОВ,

Алиқул ТўЛАЕВ, Баҳриддин РАҲМОНОВ, Лола ХОЛИҚОВА — етакчи роллар ижрочилари Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «АМИР ТЕМУР» видеофильми учун.

2. Беғали ҚОСИМОВ — олим. Ўзбекистон ва Туркия жумҳуриятлари матбуотида эълон қилинган Яссавий ҳақидаги мақолалари учун.

3. Тожи ҚОРАЕВ, Абул БОЗОРОВ. Аҳмад Яссавий ҳикоятларининг Туркистон нусхасини топиб нашрга тайёрлаганликлари учун.

4. Саримсоқ КАМОЛ. Саид Маҳмуд Тарозий Олтинхонтуранинг «Риёс ус солиҳин» китобининг 4 жилди, Олтинхонтуранинг «Куръони карим» таржимаси, Ҳиндистонининг «Куръони карим» таржимаси таъдиллари учун.

Ўзбекистон Езувчилари уюшмаси Тарғибот Маркази Халқаро мукофотлар қўмитаси масъул котиби Рауф ПАРФИ шарҳи:

— 1993 йил Яссавий йили деб эълон қилиниши муносабати билан бу йил учун қўшимча танлов эълон қилиб, жумҳурият мустақиллиги тантаналари арафасида совриндорлар номини эълон қилиши мўлжаллаган эдик. Улуғ бобимиз, тасавуф илмининг авлибси ҳақида уйлаимизки йилнинг охиригача ана ажойиб асарлар яратилади.

Қошгорий, Яссавий ва Чўлпон халқаро мукофотлари учун асар қабул қилиш 1994 йилнинг 1 мартига қадар давом этади. Ушонимиз: Тошкент шаҳри, Неру кўчаси, 1-уй, тел: 32-27-56, 32-26-47, 33-57-61.



Асарлар билан тиллашиб...

• Умр чорраҳаларига

**БОЙ ВА ПАХСАКАШЛАР**

Бир гал қишлоққа борганимда отам шундай воқеани ҳикоя қилди: ҳамқишлоқлардан бири янги қурилатган уйини пахсакашларга аҳолаб берибди. Усталар енг шимариб ишга киришибдилар. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, эгаси иш қандай кетаётган экан дея йўқлаб борибди. Мундоқ синчиқлаб разам солиб қараса, пахсакашлар деворнинг икки четигагина лой босиб, уртасини кесак, тупроқ билан тўлдириб кетаётган эмиш. Уй эгаси ичидан айд кетибди. Пахсакашларга ҳамма, ишни бошидан, қайта қилиш лозимлигини, агар яна шундай ҳол рўй берса, бир тийин ҳам ҳақ тўламай, ҳайдаб солишини айтибди.

Отам шу ҳақда ҳикоя қиларкан, отасидан эшитган шунга ўхшаш бошқа воқеани эследи:

— Бир бой кўрғонда пахса урдирмоқчи бўлади. Мардикорлар билан юзма-юз ўтириб, иш ҳақини келишади. Сўнг уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида чақириб, ўзаро аҳд қилишади. Бой аввало пахса урувчи асосий устани чақириб, шундай дейди:

— Деворнинг қанчалик пишши, мустаҳкам чиқиси асосан сенга боғлиқ. Лойни озгина-озгинадан, яхшилаб йилла, муштлаб ураве-расан. Агар шундай қилсанг, сенга келинганимиздан ташқари яна атаганим бор.

Бой шу таразда устанинг қолган икки ёрданмиш — лой қорувчи ва лой узатувчи билан ҳам маҳфий гаплашиб кўяди. У шу билан ҳам чекланмай, ишнинг боришини ҳар замонда келиб, кузатиб туради.

Пахсакашлар кўрғонни ўзлари мулкжаллаганидан анча кеч битиришади. Чунки уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли вазифани аъло даражада бажариш учун шошилмай, астойдил тиришиб ишлашади. Пахса ҳам пахсамисан пахса бўлади.

Иш натижасидан мамнун бўлган бой мардикорларни яхшилаб сўйлаб, меҳмон қилгач, ҳақларини беради. Сўнг ҳар бир мардикорни пахсанинг зўр чиқисида сенинг хизматинг натта бўлди дея алоҳида-алоҳида мақтаб, алқаб, олдига ошқора яна қўшимча ҳақ кўяди.

Мардикорлар бойнинг тadbиркорлиги, уд-ронлигига қойил қолишади.

— Демак, устанинг усталиги фақат унинг маҳорати билангина чекланмайди, устани ишлата билниш ҳам керак экан, — дейди отам сўзига яқун ясаб. — Ота-боболаримиздан ўганасанк, ибрат олсак аранйдиган фазилатлар кўп...

**ҚАРИЯ**

Далаҳовлимиз шундоқ тоғ этагида. Баҳаво, хушманзара жой. Шаҳардан анча олисда, аммо қатнайвериб кўникиб қолдик. То-

моша қилгани келган ошно-оғайнилар ҳавас қилишади.

— Шундоқ ажойиб жой шаҳарга яқинроқ бўлганда-ку янаям зўр бўларди-я, — дейишади.

Мен уларга эътироз билдираман:

— Мободо шаҳарга яқинроқ бўлганда бунчалик зўр бўлмасди-да.

— Нега?

— Чунки биз — хомсут эмган бандаларнинг қадами теккан жой барибир ўзининг табиий кўрни-тароватини, бегуборлигини йўқотади.

— Э дарвоқе...

Биз далаҳовлига шу қадар ўрганиб қолдик-ки, мабодо бир ҳафта бормасак худди носқовогини йўқотган кашақдадек гангиб юрамиз. Тоғ тагидаги чинор ёнидан чиқадиган муздек тоза булоқ сувини кўрсаймиз. (Чаққовостига ҳеч нарса сув ўрнини босолмайди-да.) Булоқ суви натта эмас; бармоқдек темир қувурдан жилдираб оқиб туради. Ҳамма кўз тиккан ана му сувдан маҳрум бўлишни тасаввур қилолмасдик. Афсуски, кўз тегдими ёни биронтаси галамислик қилдик, бир кун икелсак булоқ қуриб қолибди...

Далаҳовлидан сал наридаги чойхона ёнида бир тегиримон булоқ суви шовуллаб оқиб ётарди. Аммо биз ўша қуриб қолган булоқ сувини афзал кўрардик. Ёнида ноилж чойхонага челақ кўтариб борадиган бўлдик.

Булоқ бошида кўпинча жиксақина, чўққисоқол қарияни учратар эдик. У тағини тақиллатиб, нари-бери юрар, салом берган кишига билинар-билинмас бош йргалганча мақсадинг не, бу ерда нима қилиб юрибсан дегандек бир зум тикилиб қолар эди. Мабодо биронта тўқимтабиат (афсуски, бундай тоифа кўпайиб кетган) булоққа оёгини тиқиб, ювинмоқчи бўлса ёни ахлат ташласа, сувга туflasа, қария дарҳол тағи билан таҳдид қилиб, танбех бераб, писта пўчогини дуч келган ерга ташлаётган бешоб болакайларни олдига солиб қувлар эди. Ҳа, у булоқни — тозалик-покизалликни, табиатни кўришлар, асраб-авайлар эди. Чол бу ишни беозор бир тантилик ҳамда алланечук илҳос-ҳавас ила бажарар, балки шунинг учун ҳам ортинча гашига тегмас, аксинча, ҳатто унга андан кўникиб қолгандек эди. Ҳар гал уни булоқ бўйида кўрсам, кўнглим таскин топар, айни чоғда рўҳимда галати бир безовталик туярдим. Мен узоқ вақтгача бунинг сабабини бйолмай ҳайрон бўлиб юрдим. Ахйири тушундим. Сабаби оддий экан: афсус-надоматлар бўлсин-ким, ҳар бир булоқ бошига биттадан қарияни кўриқчи қилиб қўйишнинг иложи йўқ эди...

**Ш. ЭРГАШ ўғли**

• Ислом маърифати

**РУХСАТ СЎРАШ ВА САЛОМЛАШИШ ОДОБИ**

Маданиятчи халқларнинг ўзига яраша алоқа бобида одобий оdatлари борик, улар доимо шу талабларга амал қиладилар. Ислом зарур бўлган барча моддий ва рухий таълимоти тўлиқ бериш билан бирга, ахлоқ-одоб бобида ҳам, олий даражада камолотга етказувчи ҳикматларни мусулмонларга тавсия қилган. Ислом жорий қилган одоблардан бири рухсат сўраш ва саломлашишдир. Бу икки нарса ҳозирги кун даги маданиятчи халқлар амалга оширамиз деб уринаётган оdatлардандир. Ислом эса бу қадриятларни бир неча аср аввал баён қилган:

«Эй имон келтирганлар, ўз уйингиздан бошқа уйларга рухсат сўрамай ва салом бермай кирмангиз. Рухсат сўраб, салом бериб киришдики ўзингиз учун яхшидур. Шоянки, буни эсласангиз. Агар ўша уйларда сизга ҳеч ким тохитмаса, рухсат бўлмагунча кирманг. Агар сизга орқага қайтинг дейилса, қайтинг. Шундай бўлгани сиз учун яхши. Аллоҳ барча қилаётган ишларингизни билиб турувчидир». (Нур сураси, 27-оят).

Ислом рухсат сўраш ва салом беришни шариатга киритган бўлса, бошқа тарафдан бермай алик олишни ҳам буюради. Чунки салом-халом алик олмаслик кишилар ўртасида адоват қўзғайди. Ислом саломга жавоб бериш билан қўбояланиб қолмайди, балки жавобни афзалроқ қилиб беришга буюради: «Агар сизга салом берилса, сиз ундан «яхшироқ» жавоб бериш. Ёки худди ўзингиз қилиб жавоб қилинг». (Нисо сураси, 86-оят).



• ҲАР ЭХТИМОЛГА ҚАРШИ

**ИМИ-ЖИМИДА ЯШАНГ**

Агар уйингизда қимматбаҳо буюмлар бўлса, бу ҳақда иложи борича камроқ одамлар билгани маъқул.

Ҳорикий мол харид қилгач, бўшаб қолган қутиларни уйингиз отрофига ташлаб қўяманг.

Уйга сантехникни чақирсангиз, қимматбаҳо буюмлар кўзга ташланмаслиги учун хона эшикларини ёпиб қўйинг.

Агар магнитофонингиз бўлса, уй манзилгоҳи ва телефонни қолдириш зарур бўлган жойлардан ёзув тасмаларини олманг.

Агар уйда болаларни ёлғиз қолдиришга тўғри келса, телефонни тармоқдан узиб қўйинг, токи болакай қароқчиға: «Ойим билан дадам меҳмонга кетдилар, мен уйда ёлғизман» дея оғзидан гуллаб қўймасин.

Агар телефон қилувчи янглишиб тушиб қолдик деса, ўз рақамингизни айтиб ўтирманг.

• Туйғулар тугёни

**Алишер НАРЗУЛЛО**



**БУ КУНЛАР**

«Узим учун куйнолмадим» Сирониддин САЙИД. Ҳазон,

ҳазон ташлаб кетди бу кунлар, Тонгга, тонгга қадар ўтмади чироқ. Мени тор қулбагга тийрамоқ келди.

Қишлоқ, Қишлоқ, Қишлоқ... Баҳор деразамдан кириб ўтмади, қишлоқ вужудинда туриб, ўтмади, бир қиз эшигимдан юриб ўтмади.

Умрим учун куйнолмадим... Бу кун Шаҳар, шаҳар менга ғаним бўлибмиш, қишлоқ, қишлоқ меним алим бўлибмиш, мен севган яхши қиз келиш бўлибмиш... қадрим учун куйнолмадим... Тундар! Етдуларга бўянг юзининг, Кунлар!... ўчирнагил бир кун изининг, Тақдир!... ўққа тутма бунча кўксининг... Энди ўзим учун яшапман мен...

**КАРАДО КАТАНИ**

I Бошин тошга урди — сачрамади қон, Кўксини чок килди — чиқмади уни, Фаритшанинг оппоқ елкаларида ҳақиқат — умрининг битмаган кунини. Қоронғи ўрмонга кириб борарди тутунга айланиб ғамбода тани. Кимдир қўлларини кўтариб чоғиди Тўхта, олиб кетгин мени, Катани...

II Бош олиб кетганимши, эсиз комиссар, Калаванинг учи эмиш кўп узун. Ибтидодан ҳамон йўқ эмиш асар... Ҳамон учрамасини йўлида маймун. Яна, миллион йиллар мозийга қайтиб Эмиш... ибтидодан бошланмоқ керак.

Зинҳор маймунданмас, дермиш у ялдий: — «Одамдан одамга айланмоқ керак...»

Шовулайдинг саҳаргача бу боғлар, бунда сабр бунда тоғат... адодир.

Ҳазонларни босиб юрар оғриди асли барг ҳам юрак ҳам бир гадодир.

Мен бир ғариб ашқолларни жамладим, еллар бундан тониб, тониб... йўл олди.

Қуёш билан меҳдан бошқа бу боғда ёнаётган янроқ қолди, чўл қолди...

Оппоқ ёғир қўйди бу саҳар ювди чорак аср гардларини, ёғирпўшисиз чиқдим кўчага кўтаролмай эсин дардларини. Нўлда қорға айланди ёғир тинждларди шамол юзининг. Менки энди ким ҳам топарди қор ўчириб берар изимини...

Сайловбой ЖУМАҒУЛОВ

# МУШУКНИНГ ДУМИДАГИ ХАТЛАР

Базми одамларга ҳайронсан. Бекорчи бўлишганидан нималар билан шуғулланишмайди дейсиз. Жимгина юришининг ўрнига қавқдаги машмашаларни ўйлаб топашади. Бу қандай кўргилик, билмедим.

Уйимизда ўта юваош, келтиришнинг қиронини лектирдиган ола мушук бўларди. Уша мушук кеча унга думида ниманидир судраб юриб келди. Бунақасини аввал кўрмаганимдан анграйиб қолибман. Нима экан деб авайлаб очиб қарасам, кичкина қоғоз парчасига майда ҳарфлар билан битилган ва усталик билан мушукнинг думига боғланган хат экан. Дарров очиб ўқишга тутундим.

«Хурматли мушукнинг эгаси! — деб бошланибди мактуб. — Сизнинг ола мушукнингиз бизларникига тез-тез келиб, доллизимизда сиқон олаб туради. Хуллас, у бизнинг уйда ҳам ўз мушукимиз бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам ундан фойдаланиб, қўлингизга бералмай юрган мактубимни думига боғлаб юбордим. Бундан бошқа иложим ҳам йўқ, чунки мен сизга ўзимни танитмаслигим керак. Сизга нотаниқ бўлган бир холис одамман.

Очиргани айтиб, хотинингиз жуда гўзал. Табиат соҳоватини ажабай то этган, унинг ҳусни қаршисида бош эгман. Хотинингиз гўзаллигини таърифлашга тил ожизлик қилди. Етти иқлимда ҳам ундай гўзал аёл йўқ десам лоз бўлмайди. Минг афсуски, сиз шундай гўзал хотинингиз қадрига етмаепсиз. Агарда қадрига етганингизда, унинг эгиндаги кўк пальтонинг аҳолини пайқаган бўлардингиз. Ўзингиз айтганич, шундай соҳибжамол аёлга алмисокдан қолган эски модадаги кўк пальто ярабедимми? Ҳозир бундай пальтолари ҳатто кампирлар уй ичига кийишмайди. Яқинда худди шундай пальтонинг бир экинзор ўртасига ўрнатилган кўрқичга кийдириб қўйилганини ўз кўзим билан кўрганман. Қолбуким, сизнинг соҳибжамол хотинингиз уми уч йилдан бери кийиб юрибди-я.

Бу мактубни ачиниб ёзишимга шулар сабаб бўлди. Ўйлаб кўрилса, бу яхши эмас. Ахир ўзингиз туппа-тузук, маданиятли, газетедо ишлайдиган одам бўлсангиз. Ҳамкасбларингизнинг айтишларича, топиш-тутишингиз ёмон эмасмиш. Бундан ташқари, ўзим ҳам кўриб юрмаган, кун-кунора газета-журналларда мақолаларингиз чиқиб туради. Лоқал, ўзингиз бундай мулоҳазани қилиб кўринг. Умр йўлдошингиз бўлмиш, яна ҳусида тенгсиз аёл шундай кийиниб юрса яхшимми?»

Кечкурун ишдан келган хотинининг эгинга диққат билан

қарасам, хатдаги гапларда жон борга ўхшаб кетди. Хотиним бугун бир гапириб, ўн кулиб, югуриб-елиб хизмат қилиб юрди... Уни зимдан кузатар эканман, кўзимга ҳатто хотинининг узун қуш бурни ҳам чиройли кўриниб кетди. Фақат кўк пальтосигина худди бровникидай унга ярашмас эди. Уша хатни ким ёзиб, менга бундай доно маслаҳат берган бўлса, барака топсин, дедим ўзимча. Нега шу пайтатча бунга эътибор бермаганимга ҳайрон бўлдим. Уша кун

ниб кетасиз. Айтмоқчи, янги этик олганида янги рўмол олишни ҳам унутманг. Бошига ураб юрган рўмоли анча унингиз қолибди.

Эрталаб ишга отланган хотинининг оёғидаги этикка қарасам, чиндан ҳам у пальтосига мос тушмаган экан. Бошидаги рўмол ҳам анча эскиб қолибди. Бир-икки ювилганидан хотинининг ҳуснига анча салбий таъсир этибди. Мен содда бунга аввалроқ пайқамганимни қаранг. Хатни ким

Авалги хатларга унчалик эътибор бермаган бўлсам ҳам негандир буниси ўйлантириб қўйди. Очиги, жаҳлим чиқиб кетди. Уша кампирни бош-оёқ кийинтирадиган унинг чолимидим. Қизини кийинтирганим етەر. Ахир қайнонамнинг тузуккина ишларда ишлайдиган ўғиллари бор. Қайнонамга кийимни ўшалар олиб беришсиз. Тўхта-чи, бу хатларни ёзиб, бошимни айлантириб юрган «доно» маслаҳатчи ким ўзи!

Кечкурун хатларни кўчмаидаги ҳамма нарсадан ҳабардор бўлиб юрадиган, газета-журналлардаги кроссвордларни кўз очиб юлғунча ечиб ташлайдиган дўстимага кўрсатдим. У хатларни ўқиб, қотиб

# Ағзал-дубулук ХУРЖУНИ



авранг тонг оттирдим. Эрталаб хотинимга пальто харид қилгани барвақт универмага жўнадим.

Орадан бир ҳафта ўтган ҳам йўқ эдиким, мушуким яна думида хат судраб келди. «Хурматли мушук эгаси! — деб бошланибди бу мактуб ҳам. — Сизнинг танитилганингизга қойил қолдим. Ҳақиқий мард йигитлардан экансиз! Кеча аёлингизнинг эгинида япон янги Бельгия пальтосини кўриб нафақат мен, нимда турган бошқа кишилар ҳам тангалайларини тақиллатиб қолмишди. Янги пальтода хотинингиз ҳусни янада очилиб кетибди. Бунинг кўриб аниқда турганлар: «Бу қандай бахтли йигитнинг хотини экан!» деб юборишди.

Янги пальтода аёлингизнинг гудай очилиб кетганини кўриб сизга яна бир нарсани айтишни ўзимга лозим топдим. Яна бир бор мардликнингизни кўрсатасиз деб ўйлайман. Олиб берган пальтонингиз худди унга агаб тикилгандай, мос келибди. Лекин оёғидаги ранги унингиз кетган этигини кўриб хафа бўлиб кетдим. Шундай чиройли пальтога шунақа эски, хунук этик тўғри келади-ми? Яна бунинг устига пошнаси паст экан. Ҳозир бундай этикларни ҳатто этикдўзлар мойлашмайди ҳам. Бундай, атрофга разм солиб қаранг, ахир ҳозирги пайтда аёллар асфальтни илма-тешик қилиб юборадиган пошнаси учли этик кийишяпти-ку. Менимча, сиз ҳам хотинингизга худди шундай сўнгги модадаги этик олиб беришдан қочмайсиз. Ана ундан кейин хотинингизнинг чиройи ўн чандон очилганини кўриб, ўзингиз завқла-

ёзиб, маслаҳат берган бўлса, узоқ яшасин. Уша кунни мен хотинимга этик ва рўмол харид қилгани универмага кирдим.

Орадан бир кун ўтган, мушуким уйга яна думида хат судраб кириб келди: «Муҳтарам мушукнинг эгаси, — деб ёзибди номалзум маслаҳатчи. — Сизга қойил қолдим. Хотинингиз оёғидаги фин этиги ва бошидаги япон рўмолини шўриб кўзим куннаб кетди. Ана энди у ҳақиқий маданиятли одамнинг хотинидай кийинибди. Сиз чинакам мард йигит экансиз. Аёлингизга бош-оёқ янги кийим-кечак олиб берганингиздан уни чинакаминга севишингизни билдим.

Лекин, сизга яна бир нарсани айтмасам бўлмайди. Уйлашмича, бу ишни ҳам қойиллатасиз. Кеча хотинингизни узоқдан кўриб қолдим. У ёнида бир кампир билан кетаётган экан. Бу кампир ким бўлди экан, деб диққат билан қарасам, у хотинингизнинг онаси, яъни сизнинг қайнонangиз экан. Қайнонangизнинг эгинидаги кийимни кўриб беҳитибер бош чайқадим. Сизнинг чиройли кийинган соҳибжамол хотинингиз энди унинг усти боши жуда эски кўриниб кетди. Хотинингизга худди бегонадай, бир-бирларига мос келишмаган. Қайнонangизга ҳам битта кундуз ақали пальто, оёғига янги фин этиги, бошига япон рўмоли олиб берсангиз, улар бир-бирларига худди узукка кўз қўйгандай ярашиб кетар экан. Ахир у сизга бегона эмас, иккинчи онангиз бўлади. Унга ҳам базми-базмида меҳрибончилик қилиб турсангиз ёмон бўлмайди!»

қотиб қулди, сўнг аҳолининг кўриб, жиддий тортиб деди: — Мушукнинг яманин уйга киришини пойламадингми! — Тунда мушук қаерларда тентираб юришини пойлаб бўлармиди? — Унда бундай қил, уйда қозон борми? — Албатта бор.

— Қозоннинг куясига мушукнинг тумшугини яхшилаб сурка. У сенга хат ёзиб юрган одамга яхши ўрганган. Шўрининг учун ҳам унга суйкалиши турган гап. Эрталаб турли баҳона билан қўшиларникига бир-бир кириб чиқ. Кийинги кийимга куя юқдан бўлса, хатни ўша ёзган бўлади.

Мен дўстим айтгандай кечкурун мушукимни миялатиб, қозоннинг орқасига яхшилаб тумшугини суйкадим. Эрталаб ўрнимдан турибқоқ қўшиларникига кириб чиқдим. Ҳеч бир диннинг кийимидо куя кўрмадим. Уйга кириб, умидсизланиб турган эдим, дарвозада қайнонам кўринди. У ичкари кириб, устки кийимларини ечиб илгакка илди ва мен билан илқ сўради:

— Кўё, эсон-эмон ўтириб-сизми? У шундай деб тўрға чиқа бошлади.

Тўрға чиққани ҳам бор бўлсин, қайнонамнинг сарғиш кўйлаги этагига кўзим тушиб, лол бўлиб қолдим. Қўйлак этагидо куя изи бор эди.

Меҳмон ИСЛОМҚУЛ ўғирган

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК  
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шўхрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Мирпўлат МИРЗО  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ислом УСМОНОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ  
Бобоҳон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ  
Воҳид АЪЗАМОВ  
Билол АМИНОВ  
Шоҳруҳ АКБАРОВ

Саидмахмуд АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ

Жамол КАМОЛ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Сафар ОСТОНОВ  
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КҮНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятта келган қўл-ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олинган № 000011.  
Буларга № Г — 511.  
25010 кўчада чоп этилди.

Офсет усулида босилди, Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси хузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
1 2 3 4 5 6



Сўзсиз сурат

## ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

Бир аёл судга эри билан ажралиши ҳақида ариза кўтариб қолади.

— Хўш, нега ажрашмоқчисиз? — деб сўрайди судья.  
— Эриям ўзим тайёрлаган овқатни ейишга мажбур қилади.

— Аанизи! Яқинда байрам бўлади. Тезроқ бориб биронта мўйнали нарсани кўрсак демоқчи эдик.

— Жуда соа! Унда пошаниш керак, акс ҳолда ҳайвонот боғи ёпилиб қолади.

Кўчада гандирақлаб келадиган маст йўловчидан сўради:

— К-кечирасиз, пешонадаги гурра нечта бўпти?  
— Учта...  
— Я-яхши, уйямгача яна тўртта сиймоғоч қолибди.

Судья: — Сиз уни ростдан

ҳам эшак, тентак деб ҳақоратлаганимиз? Валки кечирини сўрасиз?

Судлауучи: — Жонин билан кечирини сўрадим, аммо иложим йўқ. Унга қанчалик кўп тиксилсам, ҳақ эъанглигимга шунчалик кўпроқ ишоняман.

Аскар шифохонада ётган хизматдошини кўриб қайтгач, ўртоқларига деди:

— Энди Карим узоқ даволанади.

— Сен дўхтир билан гап-лашдингми?

— Йўқ, мен ҳамширани кўрдим.  
— Шўхбекатга бориб, қайноамини кутиб олсангизнинг сўз бераман.  
— Мабодо у келивасан-чи?  
— Унда икки баробар кўп оласан.